

АСКЕТИЗМНИНГ ФАЛСАФИЙ-РУҲИЙ АСОСЛАРИ ВА  
ЖАМИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ

Gulnora Xudoyberganova

*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi,*

*“Dinshunoslik va jahon dinlarini qiyosiy  
o‘rganish YUNESKO” kafedrasida dots., PhD.*

**Annotatsiya:** *Mazkur maqola asketizmning antik davrdan boshlab turli sohalarda - jismoniy, axloqiy va diniy - rivojlanib kelgan ma'nolariga bag'ishlangan. Asketizmning mazmuni, diniy yo'nalishdagi poklanish amallari, dunyoviy va diniy shakllari, asketik turmushning odamlar hayoti va ruhiyatiga ta'siri chuqur o'rganilgan. Buddizm, islom, yahudiylik kabi yirik dinlardagi asketizm amaliyotlari, uning xilma-xilligi va ko'rinishlari batafsil bayon etilgan. Maqolada shuningdek, asketizmni jamoat hayotidan chekinish va ichki poklanishga erishish vositasi sifatida baholashga urinishlar o'rin olgan.*

**Kalit so'zlar:** *asketizm, diniy asketizm, ruhiy poklanish, antik davr, jismoniy poklanish, ma'naviyat, zohidlik, dinlararo asketizm, ruhiy amaliyotlar, asketik nazariyalar, jamoatchilikdan chekinish*

“Аскетизм” сўзи антик даврдан бошлаб учта асосий маънога эга бўлган - жисмоний (тана машқи), ахлоқий (ақл ва ирода машқи) ва диний (қалбни мукаммаллаштириш, ёмон майл ва аҳтирослардан тийилиш).

Ахлоқий ва диний нуқтаи назардан аскетизм комилликка етишиш ва илоҳий олам билан боғланиш учун покланиш, моддий дунёдан тийилиш, рўза орқали қалб ва тананинг муайян ички ва ташқи ҳолатини талаб қилувчи йўл сифатида антик даврдан буён кенг тарқалган ҳолат эди.<sup>1</sup>

Аскетизмнинг асосий ғоясини цивилизациянинг афзалликларини инкор этган ҳолда “тананинг ўлими” деб аташ мумкин. Аслида бу тана ва руҳни поклаш ҳамда маълум маънавий-ахлоқий идеалга эришиш учун онгли ва мақсадли тийилишдир.

Аскетизм бу-инсонни Худога мухаббат билан мулоқот қилишида ёрдам берувчи воситалар йиғиндисидир.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма. Генезис и эволюция. Том 1. М.: 2009. – С. 43.

<sup>2</sup> Намон А., S. I. Ascétisme // Dictionnaire apologetique. 1909. Т. 1. Col. 293-299. // Православная энциклопедия. Аскетизм // <https://www.pravenc.ru/text/76618.html>.



Америкалик файласуф ва психолог У.Джеймс аскетик амалиёт ва назариянинг тадқиқотчиси сифатида аскетизмнинг қуйидаги кўринишлари тўғрисида фикр билдиради:

- 1- рухнинг софлигига интилиш;
- 2 - Яратганга чин дилдан қилинадиган қурбонлик;
- 3 - ўз-ўзини танқид қилиш;
- 4 - инсонни осойишталикка олиб келувчи ғоя;
- 5 - шаҳвонийликни тарк этиш.<sup>3</sup>

“The Encyclopaedia of Religion”да: «Аскетизмни замонавий сўз сифатида аниқ таърифлашни иложи бўлмасда, диний нуқтаи назардан уни муқаддасликка тўлиқ кириш ёки юқори маънавий даражага чиқиш мақсадида ҳиссий ва дунёвий хузур-ҳаловатдан ўзини чеклаш ва мукаммаликка етишиш учун бўлган кўнгилли ва тизимли фаолиятдир. Динга эътиқод қилувчилар трансцендентал (лотинча «transcendentalism» - чегарага сиғмайдиган) ҳолатга интилганликлари боис, аскетизм энг оддий ва ривожланган кўриниши ҳам дунё динларида деярли универсалдир».<sup>4</sup>

Аскетизм анъанавий равишда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ турларга бўлинади:

- тил аскетизми;
- тана аскетизми;
- ақл аскетизми.

Тил аскетизми:

- бекорчи ҳамда ғийбат гапларни айтишдан тийилиш;
- ўзгаларни танқид қилмаслик;
- рост сўзлаш;
- баланд овозда гапирмаслик.

Тана аскетизми:

• овқатланишни чеклаш, сунъий ва зарарли маҳсулотларни истеъмол қилмаслик, рўза тутиш, вегетарианликка риоя этиш;

- танани зўриқишидан сақланиш;
- зиёратгоҳларга бориш, ёлғиз сайр қилиш;
- камтарона қийиниш ва самимийлик;
- зарарли одатлардан бутунлай воз кечиш;

Ақл аскетизми:

- ҳис-туйғуларни бошқариш;

<sup>3</sup>Джеймс У. Многообразие религиозного опыта. - М.: Наука, 1993. – С. 234-235.

<sup>4</sup>Walter O. Kaelber. Asceticism// The Encyclopaedia of Religion. New York:Macmillan library reference US Simon & Schuster Macmillan.1993. Vol.1-2. – P. 441.



- мутолаа;
- тафаккур;
- амалларига пушаймон бўлиш;
- зўравонлик қилмаслик;
- атрофидагиларни севиш.

Шунингдек, тадқиқотчилар аскетизмни маънавий ва моддий турларга ажратадилар. Маънавий аскетизм турли ҳиссий лаззатлардан тийилиш бўлса, моддий аскетизм ўз навбатида замонавий цивилизациянинг муайян афзалликларидан воз кечишни назарда тутди. Аскетизмнинг бу икки тури ўртасида маълум боғлиқликлар кузатилишини инобатга олинса, аскетизмни куйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

- Дунёвий аскетизм – ҳаёт ҳақидаги фалсафий ёки шахсий тасаввурларга асосланади.

- Диний аскетизм – диний таълимотлар ва ақидаларга асосланган.

Моҳиятига кўра дунёвий аскетизм инсоннинг шахсий тасаввурларга асосланади. Мисол тариқасида баъзи инсонларнинг маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш, наркотик моддалар, кимор ўйинларидан тийилиш мақсадида аскетик ҳаёт тарзини танлашларини айтиш мумкин.

Диний аскетизм маълум бир диннинг меъёрлари ва тамойилларига асосланади. Мавжуд динларнинг барчасида аскетизм у ёки бу кўринишда тарғиб этилади. Умуман олганда барча динларда маълум маънода таъқиқлар мавжуд. Худога маърифат ва яқинлик мазкур чекловларга қатъий риоя қилиш орқали эришилишига ишонилади.

Ўз навбатида аскетик кайфият орқали инсон эришадиган ижобий ҳисларни куйидагича изоҳлаш мумкин:

- Биринчидан, инсон ҳақиқатни ёлғондан, табиийликни сунъийликдан ажратишни ўрганади. У одатдаги турмуш тарзида эътибордан четда қолдирган ҳислатларини кашф этади.

- Иккинчидан, инсонлар билан, биринчи навбатда яқин кишилари билан муносабатлар яхшиланади.

- Қарши фикрларга нисбатан муросасизлик аста-секин йўқолади, ҳаёт учун зарарли одатлардан тийилиш кузатилади.

- Саломатлик мустаҳкамланади, зарарли одатлар йўқолади, онг тиниклашади.

- Руҳий хотиржамликка эришилади, одатий шошилиш ва улгурмаслик ҳисси йўқолади.



- Севган кишиси билан муносабатларда рухий яқинлик жисмоний яқинликдан кўра кўпроқ кадрланади.

Шу билан бирга чекловларнинг ҳаддан ошиши ҳамда кўр-кўрона тақлид қилиш орқали кузатиладиган ҳолатлар қуйидагиларда намоён бўлиши кузатилади:

1. Ёлғизликка мойил бўлиши.
2. Охир-оқибатда умидсизликка олиб келиши.
3. Руҳиятга салбий таъсири, натижада саломатликнинг ёмонлашуви.
4. Умумий ҳаёт оқимидан ажралиш.

Аскет иборасини ўрганишда бундай одамни жамоатчилик ҳаётидан ўзини олиб қочувчи сифатида қараш юзаки кўринишга эга бўлиб қолади. Шу боис тадқиқотчи С.Зарин аскет бу қўпол материални моҳирона қайта ишлаш, кўркамлаштириш ва машқ қилиш, деб таъкидлайди.<sup>5</sup>

Рухий амалиёт сифатида аскетизм ўзига хос тарзда деярли барча динларда мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири бу ҳолатга (ҳодисага) ўзига хос маъно ва аҳамият беради.

Ғарб шарқшунослигидаги мавжуд анъанага мувофиқ «зуҳд» «аскетизм» деб, «зоҳид» эса «аскет» деб қабул қилинган. «Зухд» сўзи арабчадан сақланиш, воз кечиш деб таржима қилинса, «зоҳид» сўзи сақланувчи, воз кечувчи деб таржима қилинади. Исломда аскетик амалиётларга ўта қаттиқ рағбат кузатилмайди. Бироқ, бу динда рамазон ойида рўза тутиш орқали аскетизм ҳолати намоён бўлади.

Дунё динларини ўрганиш жараёнида аскетик ҳолат буддизмда ҳам учрашини айтиб ўтиш зарур. Буддизмдаги бу жиҳатни тадқиқ этган машҳур олим Говинда Лама Анагарика (Эрнст Лотар Гоффманн, 1898-1985 йй.) фикрича, мукаммаликка етишишда учта даража мавжуд. Биринчи даражада фақат жисмоний азоб, иккинчисида ментал ҳолат, яъни инсонни ҳаётдан кўнгли совиши ва учинчи даражада азобланиш кенг камровли бўлиб, ўраб турган борлиқнинг ажралмас қисмига айланишдир.<sup>6</sup>

Буддавийликда аскетизм амалиёти нирванага эришиш учун йўл сифатида кўринади. Аскетлик амалиёти орқали инсон циклик мавжудлик ҳисобланган сансарадан халос бўлиш билан бирга руҳнинг кармик азобларига чек қўйилиши ҳамда маърифатга эришишига ишонадилар.

Буддавий аскетлар цивилизация ва дунёвий завқлардан воз кечиш билан бир қаторда йога ва медитация амалиётини бажарадилар.

<sup>5</sup> Зарин С. Аскетизм по православно-христианскому учению. Том. I. С.- Петербург. Типография В. Киршбаума. 1907. Введение. С. II.

<sup>6</sup> Говинда Лама Анагарика. Психология раннего буддизма. Санкт-Петербург. Изд-во Андреев и сыновья. 1993. – С. 49.



Яхудийликда аскетизм таълимот шаклланишидан аввал ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, Мусо а.с. ўз қавмини ташлаб Синай тоғёнбағрига кўтарилганда 40 кун рўза тутган. Яхудийликда ҳатто никоҳсизлик ва таркидунёчиликни диндорликни олий кўриниш сифатида тарғиб қилувчи оқимлар мавжуд бўлган. Бунга мисол тариқасида II асрда Шимон бар Йохай (каббала асосчиси) 100 кун давомида сув ва таом истеъмол қилмагани ва бу билан у дўзах олови унга бегона бўлишига ишонганини келтириш мумкин.

Аскетизм масаласини илмий тадқиқ этиш жараёнида ушбу феноменнинг жиҳатларини ва уни юзага келтирган сабабларга эътибор бериш муҳим саналади. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳолат барча динларда кузатилади. Бу ўз навбатида ушбу феноменнинг жамият диний ҳаётидаги ролини очиқ беришни ҳам тақазо этади.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма. Генезис и эволюция. Том 1. М.: 2009.
2. Hamon A., S. I. Ascétisme// Dictionnaire apologetique. 1909. T. 1. Col. 293-299.// Православная энциклопедия. Аскетизм// <https://www.pravenc.ru/text/76618.html>.
3. Джеймс У. Многообразие религиозного опыта. - М.: Наука, 1993.
4. Walter O. Kaelber. Asceticism// The Encyclopaedia of Religion. New York: Macmillan library reference US Simon & Schuster Macmillan. 1993. Vol. 1-2.
5. Зарин С. Аскетизм по православно-христианскому учению. Том. I. С.-Петербург. Типография В. Киршбаума. 1907. Введение. С. II.
6. Говинда Лама Анагарика. Психология раннего буддизма. Санкт-Петербург. Изд-во Андреев и сыновья. 1993.

